



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@exaf.uz 2013 yil 1 noyabr • №44 (4235)

Катта адабиёт оstonасида.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш истеъодларни топиш ва уларни рағбатлантириш, камол топтириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили анъанавий тарзда «Дўрмон» ижод уйда «Истеъдод мактаби» анжуманлари ташкил этилапти. Бу, албатта, ёш истеъод соҳибларининг ижодга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ўз устида ишлаш ва тинимсиз изланишларга муносиб рағбат бўлмоқда.

29 октябр — 1 ноябр кунлари ўтказилган «Истеъдод мактаби» V Республика ёш ижодкорлар семинари мамлакатимизда адабиётга меҳр кўйган, ўзларининг илк изланишлари билан эътибор ва умид уйғота олган истеъод соҳибларининг кўпчилигини яна бир бор намоён этди.

каратилган юксак эътибор, бугунги адабий жараёндаги улкан ўзгаришлар ва унда ёш ижодкорларнинг иштироки ҳақида сўзлади.

«Истеъдод мактаби» V Республика ёш ижодкорлар семинарида шеърят,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

Семинар тадбирлари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони билан танишиш, Ўзбекистон Миллий боғида ҳазрат Алишер Навоий ҳамда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова каби атоқли адиларимиз ҳайкаллари пойига гул кўйиш билан бошланди. Шундан сўнг Ёзувчилар уюшмасида семинарнинг очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси расиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али йиғилишни очиб, мамлакатимизда истеъодли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга

наسر, болалар адабиёти, бадий таржима, бадий публицистика ва драматургия йўналишлари бўйича Республика камизининг барча вилоятларидан олтидан ортиқ ёш ижодкорлар иштирокида семинар машғулотлари давомида ёш ижодкорлар шўба-ларга бўлиниб, маҳорат сирларини ўрганишлар, Устоз ёзувчи ва шоирлар, таржимонлар, публицистлар ҳамда драматурглар томонидан маҳорат дарслари ўтилди. Ёш қалам соҳиблари ўзларининг илк ижод намуналарини устозлар назаридан ўтказдилар. Шу билан бирга, таниқли адиллар

ҳамда санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди. Пойтахтимиздаги музейларга, театрларга ва бошқа диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилди. «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида китоблари чоп этилган ёш ижодкорлар билан мулоқот, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида яқинда нашр этирилган «Созимда Ватан васфи» тўпламининг тақдими анжуман иштирокчиларида кизгин таассурот қолдирди.

Мазкур семинарнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, энг яхши ижод намуналари Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида чоп этиш учун саралаб олинди. Бу, албатта, адабиёт майдонига ишонч билан кириб келаётган истеъодли ёшларни ижодий изланишлар сари руҳлантириш, қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларнинг сара ижодий ишлари уюшма томонидан ташкил этиладиган турли тўпламларга ҳам киритилади.

Анжуман низоҳасида иштирокчиларга сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ахборот хизмати.

(«Истеъдод мактаби» V Республика ёш ижодкорлар семинарига бағишланган материаллар билан газетамизнинг кейинги сонидан танишасиз).



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТОШКЕНТ АДАБИЙ МУҲИТИ

Иккинчи мақола

1914 йил 27 феврал «Турон» жамияти тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Шу кун Тошкентнинг 2000 йиллик «Қолизей» театри томошабинлар билан, айниқса гавжум бўлган. Нафақат томоша зали, балки залга кирадиган йўлақлар ҳам одамлар билан тирбанд. Тошкент жадидалари сарвари М.Абдурашидхоннинг театр санъати ҳақидаги машҳур нутқидан сўнг парда кўтарилиб, М.Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси асосида яратилган спектакл намойиш этилган. Мазкур спектаклнинг намойиши, Туркистонда янги театр санъатининг туғилиши Тошкент зёбиларини лараага келтирди.

Ушбу спектакл премерасини кўрган томошабинлар орасида А.Қодирийнинг бўлгани ҳақида бирор маъумот йўқ. Аммо Бехбудий драмасининг 1913 йилда чоп этилган наشري билан танишиш дастлабки асарлари эндигина «Садои Туркистон», «Самарқанд» газеталарида чиқа бошлаган адабни ҳайратлантириб юборди. Адиб 1926 йили бўлиб ўтган суддаги нутқида шу ҳақда бундай деган

эди: «1913 йилларда чиққан «Падаркуш» пиесаси таъсирида «Бахтсиз кувё» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим». Агар «Бахтсиз кувё»нинг 1915 йилда ёзилиб, шу йили Туркистон генерал-губернаторлиги қошидаги босмахонада чоп этилганини эътиборга олсак, адибнинг мазкур спектакл намойишида иштирок этгани шубҳа уйғотмайди.

Чамаси, адиб шу воқеадан кейин ва шу воқеа таъсирида «кўнгилли милиция» таркибида хизмат қилган 1917 йилда «Турон» жамиятига аъзо бўлиб киради ва қисқа вақт жамият ҳаётида қатнашади.

1917 йил феврал ва октябр воқеаларидан кейин чор ҳокимиятининг тарих сахнасида кетиши билан Туркистондаги ижтимоий ҳаёт асослари остин-устун бўлиб кетди. Тошкент адабий муҳитини ташкил этган шоирлар эрк ва хуррият гоёларини баланд пардада куйлай бошладилар. Уларнинг бир қисми эса большевикларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, советлар томонига ўтди. Шу йилларда «Турон» жамияти базасида вужудга келган «Турон» кутубхонасининг ташаббуси билан Тошкент шоирларининг эрк ва хуррият ҳақидаги шеърлари варақа тарзида чоп этилиб, тарқатила бошланди.

Давоми учинчи саҳифада.

ТАҚДИМОТ

Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматовнинг «Ранглар юртига йўл» номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда муаллиф ўқувчиларга китобнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди. Ижод ва маҳорат сирлари ҳақида савол-жавоблар тарзида давом этган ушбу тадбир тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Шеробод туманидаги Пошхурд қишлоғида жойлашган 12, 33-мактабларда эса Н.Норматовнинг «Пошхурднинг олтин пойдеворлари» номли (таниқли педагог Мамарайим Бойкулов ҳамкорлигида) этнографик очерклар китоби тақдими ўтказилди. Тақдимотда сўзга чиққан устоз-мураббийлар китобда тилга олинган қадриятлар ва анъаналарнинг умрбоқийлигини алоҳида таъкидлашди.

Шермадат БОЙКУЛОВ

«Чотқол» давлат кўриқхонаси юртимизда дастлаб ташкил қилинган кўриқхоналардан бири. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Бошқизилсой ҳудудида жойлашган мазкур муҳофаза этиладиган табиий ҳудудга 1947 йилда асос солинган. Кўриқхонани ташкил қилишдан асосий мақсад Чотқол тизмасининг шимолий-ғарбий ён-бағирларидаги тоғ ўрмонларини муҳофаза қилишдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам у дастлаб тоғ-ўрмон кўриқхонаси деб атаган. Кейинчалик кўриқхона майдони кенгайтирилди.

Она сайёра — кўриқхона

ГўЗАЛ ЁВВОЙИ ТАБИАТ



Бошқизилсойдан қарийб 40 километр узоқликда жойлашган Бўстонлик туманидаги Майдонтоғ ҳудуди ҳам қўшилди. Натижада кўриқхонадаги ерларнинг умумий майдони 35 минг 724 гектарга етди.

«Чотқол» кўриқхонаси ландшафтлари жуда гўзал. Табиий ёдгорликлар кўп. Флора ва фаунага бой. Ҳатто бутун дунёда ноёб ҳисобланган ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги айрим турлар айнан шу ҳудудда учрайди. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКО томонидан «Чотқол» давлат кўриқхонасига биосфера кўриқхонаси мақоми берилган.

Кўриқхонанинг табиати жуда гўзал ва кўркам. Бу ерда ўсимликларнинг 1 минг 136 тури ўсиши аниқланган. Улардан пискот пёизи, лолаларнинг бир неча тури, нор ширач, ёввойи саллағул каби ўнлаб ўсимликлар ноёб ва камёб бўлиб, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

— Илм-маърифат нуруни тарқатувчи устозлар ҳақида қандай асарларни ўқигансиз, қани айтишларчи, бу қайси китоблар? Ҳар ёқдан Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллими» деган жавоблар эшитилди.

— Демак, биринчи бўлиб «Тафаккур» гуруҳи жавоб бер-

ди. «Тафаккур», «Фикрат» жамоалари беш шарт асосида ўзаро беллашди. Ушбу беллашув орқали лицейда таълим олаётган ўқувчиларнинг қай даражада китобсевар, зукко ва билимдон эканлиги аниқланди. Айниқса, «Тафаккур» жамоаси вакили Нозима Ўқтамованинг атоқли шоир Шухратнинг «Мардлик афсонаси» балладасини маҳорат билан ижро этгани кўпчилиқда катта таассурот қолдирди. Танловда «Тафаккур» гуруҳи биринчи, «Мезон» гуруҳи иккинчи, «Фикрат» гуруҳи учинчи ўринни олди.

Шунингдек, «Фафур Гулом» номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, «Muharrir», «Akademnashr» нашриётлари ҳамкорлигида китоб кўргазмаси ташкил этилди ва танлов иштирокчиларига энг сара китоблар тақдим этилди.

Тадбир сўнггида сўзга чиққан таниқли адабиётшунос Омонилла Мадаев китоб, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини ошириш, ноширлик соҳасидаги ислохотлар ҳақида фикр юритди.

Барно СУЛТОНОВА

КИТОБ СЕҲРИ

ди. Ҳозирча улар олдинда...

— Яна китоблар ҳақида савол беринг, биз ҳам жавоб бера оламиз, деган хитоблар эшитилди ҳар ёқдан. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида Фан ойлиги муносабати билан ташкил этилган анъанавий «Зукко китобхон» таълими ўқувчилар учун катта байрамга айланиб кетди. «Юксак маънавиятли фарзандлар — мустақил юрт таянчи» шиори остида ўтказилган танловда нафақат ўқувчи ва ўқувчилар, балки атоқли шоирлар, нашриёт вакиллари, ота-оналар иштирок этдилар. Танловда 7-синфнинг «Мезон»,



Севишли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2014 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Бошланиш биринчи саҳифада.

Ёввойи табиат бешафқат. Унда доим кучлилар голиб. Шундай бўлса-да мувозанат бузилмайди. Негаки, она табият асли шундай яралган. "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонасида ҳам йиртқич ҳайвонлар ёввойи ўтхўр жониворлар билан миллион йиллар давомида ёнма-ён яшаб, мукамал озиқ занжирини ҳосил қилган. Бўри ва бургутлар касалга чалинган, нимжон, қари ўтхўр ҳайвонларни еб, худуднинг санитария аҳволини бир меъёрда тутишга кўмаклашди. Шу тўғрисида ёввойи тўққиз жониворлар юқумли касалликлардан қирилиб кетмади.

Биосфера қўриқхонасининг "Бошқизилсой" бўлимига киришимиз билан қоятошларнинг ойнадек силлиқ сиртига чизилган қадимий суратлар эътиборимизни тортди. Булар номлари номаълум қадимги рассомларнинг ўткир зеҳн билан тошга моҳирона ўйиб ишлаган нафис ва жозибадор санъат асарларидир. Қоятошларда камондан ўқ отаётган мерганларнинг, тоғ такалари, от, оху, бўри, тўғиз, ит каби ҳайвонларнинг тасвирлари бор. Улар жонли ва ҳаракатчан ҳолда чизилган. Тошларга ўйиб туширилган суратлар аждодларимиздан қолган қимматли археологик ёдгорлик ва тарихий манба ҳисобланади.

Бошқизилсой ҳудди 11 минг гектардан зиёд. Унинг энг баланд жойи Қизилсура чўққиси бўлиб, денгиз сатҳидан 3 минг 850 метр баландда жойлашган. Бошқизилсой сойи ҳам айнан шу ердан бошланади. У тик ва тор даралардан жуда чиройли манзара ҳосил қилиб оқиб тушади. Айрим жойларда шаршаралар, баъзи жойларда эса чуқур ҳовузалар ҳосил қилган. Улар баҳорги тошқин сувларнинг катта харсангларни тоғлардан оқизиб келиши, тошларнинг эрвучан юмшоқ қатлами асрлар давомида ювиши, қум-шагалли жойларни ўйиши натижасида пайдо бўлган. Айнан шу ерларда қорабаллиқлар "маринка" бамайлихотир сузиб юрибди. Кўкларда шаршаралар ваҳимали кўринишга эга бўлади.

Улар баландликдан отилиб тушиб, гувиллайди. Баъзи жойларда ҳовузалар юзасида оппоқ пуфакчалар ҳосил қилади. Бу бироз ваҳимали кўринса-да, жимгина тикилиб турган кишининг асабларини дам олдиради, танасини яйратади, кайфиятини кўтарди. "Чотқол" қўриқхонаси жуда кўрак ёввойи табиятга эга. Она табият аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича сақланиб турибди. Бу ёввойи табиятдаги ҳамма жониворлар ҳуррак. Инсонни

кўрдими қочинга тушади. Тоғ эчкилари, тўғиз ва бўрсиклар бир зумда кўздан ғойиб бўлади. Какликлар тошдан-тошга сакраб, йўргалаб узоқлашапти. Ҳатто бургутлар ҳам самода айланиб учиб, юқорига кўтарилиб кетмоқда. Уларнинг ортидан ҳайратланиб тикилиб қоламиз.

Какликлар — Чотқол тоғининг сулувлу маликалари. Улар табиятга ажиб гўзаллик бағишлаб турибди. Бу қушлар юксакликка интилади. Улар совуқ кунларда катта харсанглар, юксак чўққиларнинг устига чиқиб, эрталабки қуёш нурида тобланишни, чақ-чақ уриб сайрашни хуш кўради. Уларнинг бундай нафис ҳаракат-

етади. Тоғ эчкиларининг дум томони ок бўлади. Бу маёқ вазифасини ўтаб, кечалари бир-бирининг ортидан адашмай юришига хизмат қилади. Уларни маҳаллий аҳоли қизил рангли кийиклар деб ҳам атайди. Негаки, тоғ эчкиларининг ранги асосан кўнғир тусда.

Сибир тоғ эчкилари жуда чаққон ва сезгир жонивор. Йиртқич ҳайвонлар ҳужум қилганда баланд тош ва улкан қояларга чиқиб жон сақлайди.

Чотқол тоғининг шундай жойлари борки, юксак қоялари чиқиб бўлмас даражада баланд. Ям-яшил арчазорлар ҳақиқий ўрмоннинг ўзи.

У ҳақиқий табиат мўъжизаси. Асрлар давомида бу тешиктош одамларнинг эътиборини жалб этиб, ҳайрат уйқотгани табиий. Негаки биз ҳам улкан харсангнинг тешиклигини кўриб, узоқ вақт тикилиб қолдик.

Тешиктошдан сал пастда яна бир улкан қоя бор. Уни баъзилар "уқиқулоқ" деса, яна баъзилар "бешиктош" дейишди. Биз ҳам силлиқ қояга боқамиз. Ҳақиқатан ҳам тоғбегилар айтиганидек, тош юқорисининг айри бўлиб туриши уқининг кулгоғини, қоянинг умумий кўриниши эса бешикни эслатади. Биз юксак чўққини яна бир нарсага, Бухоро ар-

раб қотган ўсимликлар ёғингарчилик натижасида юмшайди. Хас-хашаклар эса қор тагида қолиб кетади. Табиат қонуни шунақа. Ўтлар йил фаслларига қараб босқичма-босқич ейилади. Бу эса ёввойи жониворларнинг қишдан омон чиқишига хизмат қилади.

Чотқол тоғ тизмаси Тошкент шаҳридан яққол кўришиб туради. Олисдан тоғнинг табияти кўримсиз туйилгани билан яқиндан бориб қарасангиз жаннатнинг ўзгинаси. Тоғ ён бағирлари арчазорлар, турли бута ва ўтлар билан қопланган. Ёввойи мевали дарахтлар пишиб ётибди. Соиларида сувлар шарқираб оқмоқда. Ҳайвонот дунёси ҳам бой. Ҳар қадамда жонзотларга дуч келасиз. Бундай бой ва гўзал табиат нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ҳам кам учраши билан қадрлидир.

Чотқол тоғининг табияти ўзига хос. Кунгай бетларда дарахт ва буталар кам учрайди. Асосан турли ўт ва буталар ўсади. Терскей бетларда эса бунинг акси. Дарахт ва буталар қалин ўсиб, ҳақиқий ўрмон ҳосил қилган. Унда арча, иргай, заранг, учқат, бодом ва дўланалар бетартиб ўсиб ётибди. Ёз ойларида ёввойи ҳайвонлар айнан шу ўрмонларда яшайди. Негаки қуёш нури кам тушганлиги сабабли ҳаво салқин бўлади.

"Чотқол" қўриқхонасининг Бошқизилсой бўлимида ёввойи мевали дарахтлар ҳам кўп. Улар ҳозир фарқ пишибди. Бу неъматлар ёввойи ўтхўр жониворларнинг насибаси. Ёввойи олмадорнинг тағига ишлов берилмаган. Сугорилмаган. Шундай бўлса-да, меваси жуда йирик ва мазали. Қуёш нурида қуёриб турибди. Биронтасига ҳам қурт тушмаган. Шохлари мевасини аранг кўтариб турибди.

Эшақолма илгарги заманимизда кўп бўлган. Унинг меваси пишганда жуда ширин бўлиб кетади. Қўриқхонада эшақолмадан бир туп сақланиб қолибди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудда мевали дарахтлардан энг кўп тарқалган ёввойи олча экан. Соё бўйларида, терскей бетларда қизил ва сариқ олчалар шунчалик кўпки, уларни гўё боғбонлар экиб парварিশлаётганга ўхшайди. Олча меваси йирик. Август ойи охирида пишиб етилган бўлса-да, тўқилиб кетмаган. Бу неъматлар кунлар ўтиши билан дарахт бошида қурибди.

Иргай меваси етилибди. Қипқизил бўлиб, атрофга гўзаллик бағишлаб турибди. Наматак меваси ҳам пишиб алвон рангга кирган. Соё ва жилға бўйларидаги чангалзорларда наматаклар шунчалик кўпки, қип-қизил мевалари олис-

дан эътиборингизни тортади. Угом-Чотқол миллий табиат боғига қарашли "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонасида инсон фаолиятига тўлиқ чек қўйилган. Дарахт кесиш, ўтин териш, хашак ўриш, деҳқончилик қилиш, чорва боқиш, мева териш, ов қилиш, балиқ тутиш таъқиқланган. Ҳатто дарахтларнинг қуриган шохларини ҳам олиб кетиш мумкин эмас. Улар йиллар мобайнида чириб, ернинг гу-мус қатламини бойитиши зарур.

Она сайёра — қўриқхона

Ана шунда ўсимликлар яхши ривожланиб, йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб турлар сақлаб қолинади.

Чотқолнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан аҳолини, айниқса, ёшларни яқиндан таништириш мақсадида кичикроқ табиат музейи ташкил қилинган. 1978 йили қўриқхона биносининг биринчи қаватида барпо этилган бу музей ва ундаги экспонатлар кейинги йилларда талабга умуман жавоб бермай қолган эди. Шу боис музей 2008 йилда тўлиқ қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Экспонатлар янгиланди ва бойитилди. Буларнинг ҳаммаси фақат "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонаси ҳудудидан ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёсига оид ноёб турлардир.

Ҳозир табиат музейидаги экспонатларнинг умумий сони 400 тадан зиёд. Уларни сифатли сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кимёвий ишлов бериш йўли билан қотирилган умуртқали жониворлар жонлидек бўлиб кўринади. Баъзи томошабинлар сибир тоғ эчкиси, ёввойи чўчка, кўнғир айиқ, оқ бошли қумой, болтаютар каби жонзотларнинг қандай кўринишда эканлигини музейга келиб билишгапти ва уларга меҳри янада ошмоқда. Демак, табиатни асл ҳолича асрашда табиат музейининг ҳам ўрни беқиёс.

"Чотқол" давлат биосфера қўриқхонаси ёввойи табиятининг сақлаб қолиниши, табиат жониворлари — нозирларнинг кунинг тунга, тунни тонгга улаб Чотқол табиятини астойдил муҳофаза қилаётганларидан далолатдир. Улар бор экан, Чотқол тизма тоғидаги ёввойи ҳайвонлар сони йил сайин кўпайиб, она табиятнинг кўрки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлиб қолаверади.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ

ГўЗАЛ ЁВВОЙИ ТАБИАТ


ларини кўриб, майин сайрашини эшитиб завқланмасликнинг иложи йўқ.

Чотқолда қайси томонга қарасангиз ҳам какликлар галасини кўрасиз. Ҳатто тоғларнинг энг баланд жойларида ҳам бу кўрак қушлар жўшиб сайрайди. Бу ҳолатни кўриб ҳудди ўзимизни какликлар салтанатига тушиб қолгандек ҳис қилдик.

— Какликларнинг асосий қисми кўчиб юрувчи қушлардир, — дейди "Чотқол" давлат биосфера қўриқхонаси директори Жасур Дўстов. — Баҳорнинг дастлабки ойида Сурхондарё вилояти ва Афғонистон тоғларидан кўпайиб учун учиб келади. Октябр ойи сўнги, ноябрь ойи бошида катта тўдаларга бирикиб, яна келган жойига учиб кетади.

Катта такали дарасининг юқориси денгиз сатҳидан 3 минг метр баланд. Унга чиқиш осон эмас. Шундай бўлса-да олдинга интилдик. Тоғнинг юқорисидан тўда-тўда сибир тоғ эчкиларини кўрдик. Жуда гўзал жониворлар экан. Қўриқхонада муҳофаза ишларининг тўғри йўлга қўйилгани сабабли уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Инспекция бошлиғи Ваҳобиддин Чиновининг маълумот беришича, ҳозир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудда сибир тоғ эчкиларининг умумий сони қарийб 500 тага етибди.

Сибир тоғ эчкиларининг такалари анча йирик бўлади. Катталарининг оғирлиги 90-100 килограммга, шохларининг узунлиги бир метрга



Шарқироқ сойлардаги шаршаралардан зилол сувлар пастликка гўзал манзара ҳосил қилиб оқмоқда. Какликлар катта харсанглар устига чиқиб жўшиб сайрашапти. Уларни кўрган кишининг дили яйрайди. Такали дарасида ҳам айнан шундай манзараларнинг гувоҳи бўлдик. Дарада баъзи қоялар қор, ёғмир ва шамоллар таъсирида эмирилиб, турли шакл-кўриниши олган. Айниқса, найзага ўхшаш тошлар кўп. Асрлар давомида эмирилиб, уларнинг учи ўткирлашиб қолибди.

Такали дарасининг юқорисидан қоянинг ўртаси тешилиб қолган.

кининг дарвозасига ҳам ўхшатдик.

Чотқол тоғида табиий ёдгорликлар бисёр. Бир неча горлар, шаршаралар, улкан қоялар, ҳайвон ва инсон кўринишидаги тошлар кўп. Буларнинг ҳар бири ўзига хос мўъжиза. Катта харсанглардан бири олисдан мўйсифид шаклида кўринади. Маҳаллий аҳоли бу тошни "Боботаш" деб атайди. Яна бир одам кўринишидаги тош бор. Тоғнинг юқорисидан жойлашган ушбу харсангнинг номи "Одамтош".

Кўшқўтон дарасидаги кичикроқ чўққи устида бир туп арча ям-яшил бўлиб турганлиги эътиборимизни тортди. У нене бўронлару довулларга кўрак кериб, жазирама иссиқларга бардош бериб, илдиэларини тошларга синдириб, она табиятни ёвдан қўриқлаётган забардаст посбонга ўхшайди. Тошда гул уңибди, деганлари шу бўлса керак. Бир ҳовуч ҳам тупроқ йўқ жойда, чўққининг устида арчанинг савлат тўқиб қўқариб туришининг ўзи бир мўъжиза эмасми?

Тоғнинг юқори қисмида баланд дарахтлар, йирик буталар қамроқ. Атроф сап-сарик ўт-улан билан қопланган. Улар тоғ шамолда тебранаб, ажиб манзара ҳосил қилиб турибди. Қовжираб сарғайган ўтлар орасида жуда кўп сўқмоқлар пайдо бўлган. Бу ёввойи ҳайвонлар кўпчилигидан далолат. Ўтхўр жониворлар баланд ўсган дағал ўтларни емайди. Фақат улар орасидаги хас ва қовжираб япроқлар билан озиқланади. Қиш ойларида эса бу дағал ўтлар тоғ эчкиларининг сеvimли озиғига айланади. Сабаби қовжи-

МУҚАДДАС ТИМСОЛ

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида ўзбек ва жаҳон тилларини мукамал ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиалида "Ўзбекистон — Россия" дўстлик жамияти ҳамкорлигида бўлиб ўтган маърифий тадбирда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Олий ўқув юрти раҳбари Қ.Абдурахмонов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини "Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди", деб таъкидланганига эътибор қаратиб, она тилимизнинг бугунги кунда жаҳон кўламида катта обрў-эътибор қозонаётгани ҳақида сўзлади.

Талабалар Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" дostonидан парчалар ҳамда ўзбек шоирларининг она тилига бағишланган шеърларини ўқидилар. Дўстлик жамияти ижрочи директори Флора Фахрутдинова эса Пушкиннинг "Эсимдадир ажиб дам ҳали..." деб бошланувчи шеърини Макшур Шайхзода ва Зулфия таржималарида ўқиб берди. Шифокор олим Шўҳрат Шайхон ўқувчилик йиллари ака-сингиллари билан биргаликда ўзбек тилига таржима қилинган машҳур кино асарларига овоз беришдаги иштироки ҳақида сўзлади. Машҳур кинорежиссёр Леонид Гайдай О, Генри новеллалари асосида яратган "Қизил танлилар сардори", "Ишбилармон одамлар" каби филмлардан лавҳалар намойиш этилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги академик лицей ўқувчилари ўзбек мумтоз ашуларини ижро этиб, тадбир файзига файз қўшишди.

Таадир

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ДУНЁ БОЗОРИДА

Аънавий тарзда ўтказилаётган ва дунё саноатчиларининг ўзига хос бозорига айланиб улгурган, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришига хизмат қилаётган ушбу ярмарка маҳсулотларнинг хилма-хиллиги билан аҳамиятли бўлди.

Ярмаркада автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, нефть-кимё, кимё, фармацевтика, енгил саноат тармоқларида фаолият юритаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг 18 мингдан зиёд маҳсулотларини намойиш қилдилар. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулотлар тадбирда иштирок этаётган дунёнинг 55 мамлакатидан 1200 дан кўпроқ хорижий мамлакат вакилларининг ҳам эътиборини тортаётди.

Айтиш жоизки, юртимизда "MAN", "General Motors", "Rieter AG" компаниялари каби йирик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда таъсис этилган кўплаб корхоналар фаолияти бугун саноатимиз ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Айниқса, фармацевтика саноати дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган 120 та корхона ҳамда муассасаларни бирлаштирган йирик тармоққа айланди. Хорижлик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Новофарма плюс", "Нобел Фармасаноат", "Makrofarm optima" корхоналари-

"САҲРО МЎЪЖИЗАЛАРИ"

Бугун мен қатори шаҳарда яшаётган ёшлар табиатдан бир қадар йироқимиз. Ям-яшил қирларни, қорли тоғларни, шарқираб оққан сойларни кўпинча "зангори экран"да кўрамиз. "Ҳайвонот боғи"га бориб, жониворларни кўриб-қузатиб завқу шавқ олишга ҳар доим ҳам вақт топиш қийин.

Мана шундай шароитда табиат ҳақида, унинг тоғу тошлари, қир-яйловлари, минг хил ўт-ўланларини турли-туман ҳайвонот дунёси ҳақида ёзилган китоблар маънавий эҳтиёжимизни қаноатлантирадиган энг муҳим омилдир. Зеро, китоб мутлоасидан олинадиган баҳра экранда фақат кўз билан кўрган манзарадан буткул фарқ қилади: мутлоа жараёни ўқувчини беихтиёр ҳолат, вазият, шарт-шароит иштирокчисига айлантиради.

Таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқуловнинг "Сахро мўъжизалари" ёхуд она табиятнинг сир-синоатлари" номли китобини ўқиб, ўзимни тоналган бағрида, содда, самимий инсонлар: чорвадорлар, йилқибқорлар, чавондазлар, бир сўз билан айтганда, юртимизнинг тоғлари, қир-адирлари, саҳроларида кўним топиб, бу маконларнинг наботот ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаб келаётган фидойи кишилар даврасида юргандек ҳис этдим.

Китобда дашту далаларнинг жуда кўп турдаги жониворлари ҳақидаги қисса, ҳикоят, ривоят ва лавҳалар жамланган. Турмуш тарзи, дунёқароши, саъй-ҳаракатлари она табиат билан сирли тарзда уйғунлашиб кетган одамларнинг қиёфалари, гап-сўзлари,

касб-корларига иштиёқларини ёзувчи меҳр билан, ҳеч бир муболагасиз, айнан ҳаётдагидек табиий ва самимий кўрсатган. "Каклик" номли ҳаётий қиссадда ўсимир Асрорнинг яралганган какликка кўрсатган меҳрдан кўнглингизга эзгу туйғулар инади. Зеро, ёруғ истак-мақсаднинг жозибали талқини ҳар қандай қалбни атроф-муҳитга меҳрли қилиб тарбиялайди.

"Сахро мўъжизалари"ни ўқиш жараёнида шунга амин бўлдимки, устоз журналист Ҳамдам Эшонқулов ўзи қаламга олган тоғу саҳрони, жилғага ўнгирларни, турфа хил парранда ва жониворларни, бу оламнинг лафзи ҳалол одамларини жуда яхши билади. Билишдан ташқари, уларга меҳри, муҳаббат биланд. Акс ҳолда оддий одамлар, сахро табияти ҳақида қалби сурурга тўлиб, бу қадар самимий ва ғурур билан ёзиш мушкул. Китобдаги "От билан учрашув", "Тулпорлар", "Умрзоқ чавандоз хангомалари", "Йилқибқорнинг гап халтасидан" деб номланган туркум ҳикоят, ривоят ва лавҳалар муаллифнинг маҳоратидан, унинг ўз юрти наботот ва ҳайвонот дунёси билим-

дони эканидан далолат бериб турибди. Биз китоб ўқиб билим олганимиздек, она юртимиз табияти ҳам бизга меҳр-шафқатдан, оғоҳликдан, тадбиркорликдан сабоқ беради. Нозик ва беозор жониворни кўрганганимизда қалбимизда меҳр-шафқат туйғулари жўш урса, совуқ нусха газандага кўзимиз туша ҳушёр тортамыз. Бу каби туйғуларни ҳис этишининг ўзи ҳам жуда зарур маънавий-тарбиявий аҳамиятга моликки, "Сахро мўъжизалари" китобига жамланган ҳаётий ҳикоят, ривоят ва лавҳалар ўқувчига айни шу жараёнларни туҳфа этиши билан қадрлидир.

Китоб самимий ва раvon услубда ёзилган, воқеа-ҳодисалар, жойлар, одамлар — барчаси ҳаётий эканлиги билан жонли таассурот қолдиради. Табиатга ёшлар қалбига меҳр-муҳаббат уйғотиш, юртимиз наботот ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишишда ҳам бу китоб маърифий, тарбиявий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ризвоной НИЗОМОВА, талаба

Ўз мухбиримиз.

Консерваториянинг кичик залида таниқли бастакор Нодим Норхўжаев билан учрашув бўлиб ўтди. Булажак санъаткорнинг сермаҳсул ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, яратган асарлари билан танишдилар. Ўзларини қизиқтирган саволларга композитордан жавоб олдилар. "Ижодим давомида кўплаб қўшиқчи шоирлар билан ҳамкорлик қилганман, —

деди бастакор. — Уларнинг ҳар бири билан ишлаш мен учун алоҳида мактаб бўлган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Пулат Мўмин билан ҳамкорлигимиз анча самарали кечган. Устоз менга ҳамиша: "Хар бир куйда, албатта, янгилик бўлиши керак" дер эди-

лар. Шу ўғитга риоя қилишга ҳаракат қиламан. Бугунги тингловчининг эътиборини қозониш учун доим изланишда бўлиши керак". Учрашув сўнггида бастакорнинг "Дилда баҳор", "Бўзтўрғай", "Жавоб бергин қошлари ҳилон", "Ҳақкалар" каби машҳур қўшиқлари ижро этилди.

Муниса НУРИДИНОВА

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

ОЛТИН ВОДИЙЛАРИМ, КУМУШ ТОҒЛАРИМ...



ОБОДЛИК

Кўрдик, жами дунёнинг
Бир хилдир қари-ёши,
Ҳеч кимнинг елкасида
Иккита эмас боши.
Кўли ё тўртта эмас,
Биттадир юраги ҳам,
Ортиқ бўлсанг ортиқсан,
Ҳеч кимдан эмассан кам.
Сенинг ҳам салтанатинг
Гуллаган бир замонлар,
Ёзилган буюк «Хамса»,
Қурилган Регистонлар.
Бозорларинг билмаган
Кеча билан кундузни.
Ойни баркаш айлашган,
Харид қилган юлдузни.
Бу кун замонинг келиб,
Омадинг чопди яна,
Темурбек авлодсан,
Қилсанг арзир тантана.
Шижоатни байроқ қил
Қўлингдан экан юган,
Тоғдек тиласанг агар
Қирдек бераман деган.
Фақат юртинг тинч бўлиб,
Фикринг ўссин хур, озода,
Ниятинг ижобатдир,
Демак, Ватан ҳам обод.

ҲАЁТ
САБОҚЛАРИ

Қандай соз, авлодлар ўйнаса, қулса,
Сен ҳам табрик айтсанг қутлаб басма-бас.
Агар чин юракдан қуйлаган бўлса,
Ҳамид Олимжонга қилгундир ҳавас.

Кимдир қитқаб қулдириш осон,
Лекин ҳукм билан очилмайди таъб.
Наҳот устозларим юрмишлар шодон,
Боболарнинг мунглиг қабрига қараб.

Бир сайёҳ ўзбекча салом берса гар,
Ҳазина тошгадек яйраб кетганлар.
Қаранг, қилмади деб бизлардан ҳазар,
Миниб юрган отин совға этганлар.

Пахта-ю газни-ку қароқчи ҳар кас
Ўмариб кетганда тўйлар қилганмиз.
Ўласок хокимизга Маккани эмас
Кремл деворин шон деб билганмиз.

Балки бу давронинг йўриғи дерсиз,
Лекин қайда эди бечора у қалб?!
Қадим салтанатини емирди, эсиз,
Бухоро пойида бўлган жангу ҳарб.

БОБО ДУОСИ

« — Кўзингиз тубида чексиз бир армон,
Нега сиз бунчалар ғамгин, бобожон?»

Не-не давраларни кўргансиз, ахир,
Беҳишгадэй жойларда юргансиз, ахир.

Юпанч бўлмадимиз буларнинг бари,
Борми ё бу ҳолнинг ўзга сирлари?»

Тийрак набирага кўз ташлаб қиё,
Секин гап бошлайдиган бобо:

« — Не-не давраларни кўрганман гарчанд,
Беҳишгадэй жойларда юрганман гарчанд.

Гарчи ўз ошимни ошаб келганман,
Бир одам қатори ашаб келганман.

Дуч бўлдим авлиё инсонларга ҳам,
Лекин улар оздир, улар жуда кам.

Мудом улуг қилдим дилда ниятни,
Учратайин дедим самимиятни.

Мен ҳам ўша қизил яловни тутдим,
Кўрмаган ёвмига урабердим дўқ.
Саид Олимжонни англамай ўтдим,
Иброҳимбекни ҳам тушунганим йўқ.

Ҳазрат деб инсонга ўқидим тақбир,
Расо бўлсин дея қуйладим жўшиб.
Ҳазратни ҳасрат деб қилдим сўнг таҳрир,
Расога «в» ҳарфин қўйдим-ку қўшиб.

Ёруғ кунларга ҳам етишдим, шукур,
Қаноат қилурман кўпу озимга.
Лекин она халқим, авф этгин бир кур,
Сен оҳанг бергайсан менинг созимга.

Кимдир байтларимнинг тубига етса,
Аччиқ ва мунгли деб айтгайдир бешак.
Дунёда лўттибоз қўпайиб кетса,
Нега мен уларни қутлашим керак?!

Нега ҳар учраган бетайин зотни
Қутлуг дастурхонга айлайин шерик.
Бус-бутун кўрай деб кемтик ҳаётни
Боболар ҳаттоки тортганлар черик.

Қандай соз, авлодлар ўйнаса, қулса,
Сен ҳам табрик айтсанг қутлаб басма-бас.
Шодмонлик ярашар Ватан тинч бўлса,
Комиллик уфуриб турса ҳар нафас.

Яхшиликлар қилдим шавқларга тўлиб,
Улар қайди гоҳо ёмонлик бўлиб.

Болам, бошқа эрур сенинг давронинг,
Бошқадир замонинг, бошқа имконинг.

Қайга узатсанг ҳам қўлинг етгайдир,
Сени ҳам беҳишгадэй жойлар қутгайдир.

Фаромиш қилма лек битта нақлни:
Бойлик деб бой бериб қўйма ақлни.

Инсон боласига шайтондир ҳамроҳ,
Унинг кўксидан бўл доим огоҳ.

Ақду тажриба топ, яшагил дадил,
Билиб қўй, бахт учун меҳнатдир қафил.

Пайт келар, ёшимга етарсан албат,
Илоҳо, ўзиб ҳам кетарсан албат.

Набиранг сенинг ҳам қадринга етгай
Ва балки сени ҳам саволага тутгай.

Сен ҳам зурдинга тошгайсан бир гап,
Дуо ҳам қилгайсан, бобонга ўхшаб».

ЎЗБЕКИСТОН
МАДҲИЯСИ

Вужуднинг соғлиги шартдир одамга,
Унутманг аммо руҳ тарбиясини.
Тўрт нафар турк қизи келиб хонамга
Ижро этди ўзбек мадҳиясини.

Денгизлардан оша, тоғлардан оша
Юртим кўз ўнгимда бўлди намоён.
Гўё диёримни қилдим томоша
Жаннат харитасин кўргансиммон.

Юксак ва шиддатли, латиф ҳам майин
Оҳанг тараларди Мармара бўйлаб.
Юртим кўшиғини шу лаҳза, тайин,
Осиё, Европа турарди қуйлаб.

Мисли уфурарди менга нафасин
Олтин водийларим, кумуш тоғларим.
Илғамиди Дурмонда булбуллар сасин,
Кўринди шовуллаб турган боғларим.

Мадад қўлларини чўзарди шу дам
Йироқ-йироқлардан мардона бир руҳ.
Денгиз туманидек тарқаб кетди ғам,
Тоғлар қори каби эриди андуҳ.

ГУЛДАСТА

Ҳар қайда азиздир дўсту қардошлар,
Мусофир юрда-чи, қадри кўп катта.
Келди истанбуллик бир гуруҳ ёшлар
Меҳмоннинг хурмати учун, албатта.

Гулдаста бор эди улар қўлида,
Рангбаранг, анвойи, гунаҷали, инжу.
Мармара денгизин соҳилларида
Унган чечакларнинг жамламаси бу.

Гулдаста дегани яхлит деган гап,
Чиндан кишиликнинг ўзи гулдаста.
Ажиб бу ҳаётнинг кўркига қараб
Очилиб кетди-ку қулфи дилларим.

Дедим: « — Бу гул — Ўзбек, буниси Туркдир,
Буниси Озардир, буниси Қозоқ.
Буниси Болқордир — бошида бўрқдир,
Буниси Уйғурдир, бу — Қорақалпоқ».

Хуллас, жам бўлишган уларнинг бари,
Ҳаммаси бир чаман, битта гулдаста.
Гарчи турфа эрур ранги, ифори,
Улар бир гулшанга боғлиқ, пайваста.

Менинг гапларимни тинглаб шу асно
Кимдир дўф айлади: « — Кечиринг, хожа,
Бизнинг гулдастамиз яхши-ку, аммо,
Кўшас яхшироқдир бошқаларни ҳам».

Дунёнинг орзусин айтган эди у,
Чиндан кишиликнинг ўзи гулдаста.
Оҳ, иним, ер юзин армонидир бу,
Шу сабаб нотинчмиз, юраклар хаста.

ТЎРТЛИКЛАР

Навойи ҳақида кимлардир гоҳо
Табълари нозик деб қилган иддао.
Лекин ўзларининг феъллари қандоқ?!
Ўйлаб кўрмаганлар буни мутлақо.

Одам тушмагандир юлдуздан, ойдан,
Балки бунёд бўлган заминдан-лойдан.
У бир кун ўлжасин яшириб қўйди,
Одамлик бошланди ана шу жойдан.

Дўстининг қадри баланд икки дунёда,
Тошимас ўзга зот ундан зиёда.
Бир ҳожи қувончдан йилга турарди
Дўстини учратиб Маккатилода.

Жами одамлардан етса-ю хатар,
Ёнингда дўст қолса ҳатто бир нафар,
Билгили, дунёда ёлғиз эмассан,
Даврининг сурабер то рўзи Махшар.

Сени кўрай дедим — тонгладим отди,
Оразинг ёришиб, тунни йўқотди.
Лекин қора сочинг юзинга тушгач,
Яна тун бошланди, қуёш ҳам ботди.

Кундан-кунга атрофидиғилар
билан тил топишишим оғирла-
шиб кетаяпти. Лаънати фикрим
дастидан тобора ҳолдан тоғиб
бораяпман. Фикримнинг салмо-
ғидан тиззаларим букилиб, бо-
шим орға эгилганча, тинка ма-
дорим қуриб уйга шошаман. Не-
гаки, уйда ҳаловат бор. Залвор-
ли фикринг учун ҳеч ким газабга
олмайди. Кимдир юзинга қараб
башарасини бужмайтирамайди...

Уйга келиб, энг аввало, фик-
римни жавонга қўйдим. Худога
шукуре, бир мазза қилдим, бир
мазза қилдим. Бу худди ҳаммон-
нинг пархонасига қамалиб олган

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

АДАШГАН ФИКР

одамнинг эркин нафас олишидан
ҳам ёқимлироқ эди. Ана энди, га-
зета арақлаб, телевизор томо-
ша қилганча аччиқ кўк чойни си-
мириб уйку вақтигача ялпайиб
ётиш мумкин. Шундай ҳам қилиб
энди чўзилганимни биламан, хо-
тин дийдидисини бошлаб қолди:
— Дадаси, нон олиб келмаб-
сиз-ку. Гўшт емаганимизга ҳам
икки кун бўлди. Кейин... мана бу
тишларимни шундоқ сугуртириб
иккита тилла тиш қўйиб олсам
борми, нақ сув кундуздай бўла-
ман. Шунга икки юз минг сўм
олиб келинг деган эдим, униям
есингиздан чиқарган бўлсангиз
керак. Мундоқ бир хотиниям
уйлаш керакми, йўқми ўзи. Уни
олиб беринг, бунди олиб беринг
демасан...

Қайсидир шўри қуриган фай-
ласуф айтган экан: Хотинлар ав-
вал гапириб, кейин уйлашади,
деб. Баъзан ўша файласуф мени-
нинг хотинимни таниганиман,
деб шубҳага бориб қоламан.
Тавба худди қўшни хотинга
ўхшаб жаврайди-я. Фалокат бо-
сиб фикрларини алмаштириб
олишганимни ишқилиб. Дарҳол
олдини олмасам озгина ҳордик

ҳам онасини Учқўрғондан кўради,
шекилли. Шарт ўрнимдан турди-
му хотиннинг фикрини юлиб ол-
дим. Батареяси ўтирган қўл те-
лефонидай чақаги ўчди-қолди.
Менга бир пас тикилиб турди-да,
нимадир эсига тушгандай, —
Ошхонага ўтинг, овқат сузаман,
— деганча чиқиб кетди.

Жавон ёнига келиб хоним-
нинг фикрчасини қўйишдан ол-
дин салмоқлаб кўрдим. Енгил,
кичиккина, ялтироқ. Ўзимнинг
фикримни салмоқладим. Оғир,
катта ва дағал. Хотинимнинг
бошига сиғиши даргумон. Уни-
ки эса... менинг бошимда хум-

бир оз қовжираган. Вой, сочим-
га ҳам бир-иккита оқ тушибди.

Гўзаллик салонида йўл олдим.
Ишхонага киришим билан ҳам-
касбларим ўраб

олишди.
— Вуй, қошин-
гизни «зебра»да

тердирдингизми?
— Лаб бўёқни янаям очидан
сурмасизда, ўртоқ. Сал били-
ниб қопти.

— Аммо сочи зўр химия
қилибди. Бирам очилиб кетиб-
сиз-ей. Туф-туф-туф илоё кўз тег-
масин.

Хижолатдан қиза-
риб кетдим. Шундай
ажойиб ҳамкасбларим бор-а. Мен
бўлсам гоҳида уларга кўрслик
қилиб, хафа қилиб ўтираман-а.
Вой менгина ўлиб қўя қолай,
кўрслик ҳам эви биланда.

— Ўрто-о-о-о-қ, жон ўртоқ. Мен
ўлгурни кечиринг, сизни жуда
ёмон хафа қилиб қўйдим-а, —
дедим кеча жанжаллашиб олган
ҳамкасбимга қарата.

У бўлса юзимдан чўлпиллатиб
ўлиб олди. Кечирди. Ҳамма менинг
ўзгарганимга ишонди. Кун ҳам
ажойиб ўтди. Аплақардан келган
мақолаларни таҳрир қилиб бош
оғритиб ўтирмадим. Ҳамхонала-
рим билан роса гаплашдик. Туш-
лик деб эшикни ёпиб олиб роса уч
соат лақиллашдик. Бир-биримиз-
га кийимларимизни, узукларимиз-
ни, дазвол ва кир машиналаримиз-



ни мақтандик. Зўр бўлди. Шунча
йил ишлаб бунчалик хотиржам, бу-
ғунчалик хушқачқак бўлмаган эдим.

Кечкурун ҳамкасблар ўпишиб
хайрлашганча уйга тарқадим.

Одатдагидек уйга келиб фик-
римни жавонга ечасам хотиним
жараб қолди.

— Дадаси, сизга эрталаб
ўзимни фикримни бериб юбо-
рибман. Ўрнига сизникини иш-
латиб турай десам ўлгур ҳеч бо-
шимга сиғмади. Кун бўйи фикр-
сиз ўтиришимга оз қолди-я. Хай-
риятки, каллам ишлаб қолди.

(Фикрсиз калланнинг ишласини
биринчи эшитишим!) Нима бўлса
бўлар дедим, биттаю битта
товуғимизнинг фикридан фойда-
лана қолдим...

Ногаҳон қалампир чайнаб
юборгандай бўлдим.

И-е, бу қанақаси бўлди. Ҳали
мен кун бўйи хотинимнинг фик-
рини кўтариб юрдимми? Худо
уриб қўйибдию. Ўзимам уйлов-
дим-а, нега кун бўйи майдақадам-
ларга ўхшаб жилпанглаб қолдим
деб. Агар биров эшитса, борми!

Хотинимни қойдим. Кейин
ўйлиниб қолдим. Ҳар ёмоннинг
бир яхисиси бор. Бордию
эрталаб хотин адашмаган-
да нима бўларди?

Шуни ўйлар эканман, ўз
фикрим билан ёнма-ён турган
хотинимнинг фикрига меҳрим
товланди.

Яна бир яхши томони-хоти-
нимнинг фикри ўзида қолганда
кечгача бир арава бўлар-
бўлмас режаларни тузиб, ҳозир
бошимни қотираётган ўларди.
Фикрлаёлмагани учун мана
мингир-мингир ҳам йўқ...

Эрталаб ҳар кунгидан эртароқ
туриб ишга отландим. Фикрим-
ни бошимга жойлаб олган,
хотиннинг кўзини шамғалат
қилиб унинг фикрини ҳам
қўлтиққа урдим.

Ҳар ҳолда, мудом бўлмасам
асқотади.

Хотиннинг эса фикрламагани
тузуқ...

Ҳикоя

Эрталаб хотин адашмаган-
да нима бўларди?

Шуни ўйлар эканман, ўз
фикрим билан ёнма-ён турган
хотинимнинг фикрига меҳрим
товланди.

Яна бир яхши томони-хоти-
нимнинг фикри ўзида қолганда
кечгача бир арава бўлар-
бўлмас режаларни тузиб, ҳозир
бошимни қотираётган ўларди.
Фикрлаёлмагани учун мана
мингир-мингир ҳам йўқ...

Эрталаб ҳар кунгидан эртароқ
туриб ишга отландим. Фикрим-
ни бошимга жойлаб олган,
хотиннинг кўзини шамғалат
қилиб унинг фикрини ҳам
қўлтиққа урдим.

Ҳар ҳолда, мудом бўлмасам
асқотади.

Хотиннинг эса фикрламагани
тузуқ...

Юлдуз ҲОЖИЕВА

ҚИЗИЛ ОЛМАЛАР

— Салгина сурилинг, бунча бесўнақайсиз?

— Қаерга сурилай? Ўзингиз мана бу зил-
дек тўрвангизни оёғимдан олинг.

— Хой қиз, уялмайсанми? Кекса одамга
жой бери Ё касалисан?

— Нега касал бўларканман? Кўрмай
қолибман.

Анчадан бери тепасида
турган кампирни қиз энди
«кўрди», оғриниб жойини
бўшатди...

Дам олиш куни бўлгани учун
автобус бозордан қайтаётган
одамлар билан тўлган. Камига
ҳайдовчи бекатларда бехато
тўхтаб, яна одам олади. Ичка-
ридагилар ҳар сафар норози
гудраниб қўйишади. Тикилинч-
да кимдир ҳайдовчидан, ким-
дир вақтида жой бермаган
ёшлардан ёзгирди. Ўғлим эса
тез-тез эшик очилиб тоза хаво
олаётганидан хурсанд. Мен
одамлар оша деразадан
ташқарини кузатиб кетяпман. Бу орада кенг
далалардан сўнг, мезвор боғ бошланди. У
ерда одамлар қуймаланишар, йўл чеккаси-
га ёғоч қўти ва челақарга солинган олмалар
сотиб учун чиқариб қўйилган. Ял-ял товла-
ниб, қуёш акс этиб турган нақш
олмалар кўзини қувнатади.

— Оббо, яшиги ҳам борми?

Шунча юки билан таксида кетақол-
са бўлади-ку.

Спорт кийимидеги йигитнинг бетоқатли-
ги эътиборимни тортиди. У дам-бадам уф
тортирди. Қарасам, бир аёл автобусга икки-
у ёғоч қўти олма юклаётган экан. Аёл чопон
кийган нуруйи киши билан тезда хайрла-
шиб, автобусга чаққонгина чиқиб олди.

Автобус ичидаги кайфият унга бутун-
лай бегона: кўзлари қулиб турар, ун-
қан рўмоли остидан оқара бошлаган
сочлари тўзгирди.

— Вой болажон, олма егинг келяптими?

Аёл ўғлимга гапирди. Яшиқдаги олмалар-
дан ўғлим кўзларини узолмай қолган кўри-
нади. Уни «уят бўлади», дегандек туртиб
қўйдим, аёл узатган нақш олмаларни рад
этиб, раҳмат айтдим.

— Синглим, мевалар дехқончилик. Отам-
нинг боғидан. Боланинг сазасини ўлдир-
манг. Ол, болам, ош бўлсин. Отам олмалари
қачонки кўни-қўшнилардан, таниш-би-
лишлардан ортагагина сотади. Менам ҳозир

отам берган олмаларни кўни-қўшниларим-
га илинаман.

Ўғлим менга қарай-қарай олмага қўл
чўзди. Ейишга ийманди, шекилли, сумкага
солди. Қутилардаги йирик-йирик, бирорта
ҳам нуқсонли йўқ қизил олмалар барчанинг
эътиборини тортган, орқароқдагилар ҳам
бўйинларини чўзиб олмаларга
тикилишарди.

— Опа, дехқончилик бўлса,
бизга ҳам узатинг бобойнинг
олмаларидан, — деди ярим
ҳазил оҳангда боя бетоқатлан-
ган спорт кийимидеги йигит.

— Олаверинг, олинг, — дея
аёл кулимсирганча унга ҳам
икки дона узатди.

— Бунди бешолдуз олма,
дейишади, шекилли. Жуда сер-
шира бўлади-да ўзим, — деган-
ча «бесўнақай» йигит қўтилар
ёнига чўкиб, қарсиллатганча
олмадан тишлади.

— Ука, бизга ҳам узатиб юбо-
ринг, жуда иштаҳани очдингиз-ку, — деди
уни бесўнақайликда айблаган «тўрвали» аёл.

Бир келинчакнинг кўнгли беҳузур бўлаёт-
ганини айтиб ўрта яшар аёл қайнониси бўлса
керак, тўртта олма сўради. Енимдаги хотин
эса тишлаб турган олмасидан ташқа-
ри, яна иккитани нимчасининг чўнтағига
жойлади. Невараларини ўйлади, ше-
килли. Шу пайт олдинроқда турганлар
ҳам қўл чўза бошлашди. Чиптачи билан ҳай-
довчи ҳам бенасиб қолмади. Ҳаш-паш дегун-
ча, ёғоч қўтининг тағи кўринди. Аёл эса, ҳамон
кулимсирганча меваларидан улашарди...

У икки бекатдан сўнг тушиб қолди. Разм
солсам, салонда одамлар қамаймаган, аммо
негадир энди унинг ичи тикилинч эмасдек
туюлди. Йўловчиларнинг чехраларидаги
асабийлик ўрнида энди хотиржамлик акс
этиб турар, айримлари бир-бири билан суҳ-
батлашиб, ҳазиллашиб кетмоқда. Нимчали
хотин билан спорт кийимидеги йигит ҳатто
қариндош чиқиб қолди.

Назаримда, аёл атрофидиғиларга олма
тарқатмади, балки меҳр улашди. Одамий-
ликдан сабоқ берди. Тикилинч автобусга
яшиги билан ҳам бемалол жойлашган аёл,
ўз хатти-ҳаракати билан кўнглини кенг
қилиш, бир-бировдан нафақат жойини, бал-
ки меҳрини ҳам қизганмаслик, асл инсоний
туғуларни унутмаслик, муҳими, инсонни
қадрлашни эслатиб кетгандек эди.

Қатра

ҲОФИЗЛИК МАҚОМИ

Бизда хонандаликнинг энг юқори мақоми бежиз ҳофизлик дейилмайди. Иборанинг тарихий ибтидои бошқа соҳалардан келиб чиққан бўлса-да, хонандаликда XX асрдан расм бўла бошлаган. Хонанданинг мусиқий меросни билиши, созандалик ва хонандалик сирларини мукамал ўзлаштиргани, ижрочиликда муайян тажриба орттиргани, устозлар ижро аъёнларини давом эттиришга қодирлиги, адабий меросни яхши билиши ва тушуниши, энг муҳими, илм, ижро ва ижодий ҳислатларга эгаллиги ҳофизлик мақомини намойиш этиб турувчи жиҳатлардир.

Халқимиз оташнафас хонандаларнинг сеҳрли овози, беназир хоншарларидан маънавий озиқ олиб келган. Шу боис Жўраҳону Маъмуржон, Комилжону Рўзимат, Очиқжону Орифхон каби халқ ҳофизларининг ижоди доимо маданиятимиз ва маънавиятимиз дурдоналари сифатида эъзозлаб келинади. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида “Ўзбекистон халқ ҳофизини” фахрий унвонига сазовор бўлган Эркинжон Рўзиматов ана шундай санъаткорлардан.

Эркинжон Рўзиматов ижрочилик ва хонандалик амалиётида тарбия топиб, кўп йиллар давомида устозлар сабогини



олишга муяссар бўлди. Уларга эргашиб, хонандаликда камолга эришди. У ижро маҳоратини ва билиминини ошириш билан бирга, репертуарини замонавий ва мумтоз йўللардаги қўшиқ ҳамда ашулалар билан бойитиб келаётган бастакордир.

Э.Рўзиматов ижодининг эътироф этилишига сабаб бўлган жиҳат нималарда кўринади? Яъни ундий ҳофиз даражасига эришишига қандай омиллар сабаб бўлган?

Ҳофизликнинг амалларидан бири чолғу ижрочилиги билан боғлиқ бўлган созандаликдир. Бинобарин, Рўзиматов илк ижрочилик фаолиятини созандаликдан бошлаган. Аввалига созандалик касбинини доира ва гижжақда ўрганди. Мусиқанинг сирли усуллар оламини доирада, оҳанг жозибаси ва ноласини гижжақда ижро этиш орқали ҳис этди. Пировардида, у мусиқа тараннумидаги энг мукамал ижро хониш эканини англади.

Гижжақни энг мукамал соз ҳисобланган инсон овозига яқин чолғу дейишади. Унинг мунгли тараннумига эришиш учун катта маҳорат талаб этилади. Эркинжон устозларининг гижжақ созидаги сирли садоларига махлиё бўлиб, ижрочилик аъёнларини ўзлаштиришга эришган.

Ҳофиздан ёқимли, кенг диапазонга эга овоз талаб этилади. Эркинжон Рўзиматовнинг ўзига хос овози ва шунга мос талқин йўли шаклланиши унинг ижросида мунтазам янграб турайдиган ашулалар орқали мухлисларга маълум. Халқимиз севи тинглайдиган “Ғуннадек кўнгул менинг”, “Махлиқолар”, “Сурмага муҳтож эмас”, “Нихон ўлди” каби ўнлаб қўшиқ ва ашулалар шулар жумласидан. “Еввойи Тановар”, “Дилхирож”, “Шароб”, “Хожиниёз”, “Дарё тошқин” каби халқ қўшиқлари, “Тамано”, “Фаргона тоғ отгунча”, “Кошки”, “Бозургоний”, “Самарқанд Ушшоғи”, “Коши ёсинму дейин”, “Сўлим”, “Ўлсун” каби бастакорлар қаламига мансуб асарлар, “Талқини Ушшоқ”, “Насри Уззол”, “Насри Баёт”, “Насруллоҳи”, “Соқиномаи Савти Калон” каби мақом намуналари хонанда талқинида алоҳида жозибига эга бўлганини қайд этиш зарур.

Мусиқий меросни ўзлаштириш ва устозона ижрога эришиш ҳофизлик санъатининг замани ҳисобланади. Бу борада ҳофизнинг Ўзбекистон давлат консерваторияси “Миллий ижрочилик” кафедрасидаги сабоги, Ю.Ражабий номидаги Мақом ансамблидаги фаолияти, қолаверса, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Хотамов, Таваккал Қодиров, Камалиддин Раҳимов, Абдуқошим Исмоилов, Маҳмуд Тожибоев каби бир қатор устоз санъаткорлар кўмагида мусиқий меросни ўзлаштиргани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ҳофизликнинг муҳим амалларидан яна бири устозлар аъёнларини ўзлаштиришдир. Мусиқий меросимиз бой ва ранг-баранг. Бу мерос ҳар қандай санъат намоёнаси учун ибрат бўлиши лозим. Зеро, уларда ўзбек

халқининг маънавий дунёси, руҳияти ва ижтимоий ҳаёти акс этган. Уларни беҳато ижро этиш учун авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мусиқий мероснинг ижрочилик аъёнларини устозлар йўли орқали англаш лозим. Эркинжон Рўзиматовнинг ижрочилиги амалларини кузатар эканмиз, беихтиёр уларда Фарғона Тошкент ижро услубига хос шаклу шамойиллар, оҳанг мажмуи ва талқин жиҳатлари муҳассас топганига гувоҳ бўламиз. “Ўландан сўр”, “Нихон ўлди”, “Ўзбек она” ашулалари бунинг далилидир. Унинг ижодидан ўрин олган ашулалар жозибадорлиги, катта авжларга эгаллиги, шакл жиҳатидан пухталиги ҳамда бастакорлик аъёнлари сақлангани билан ажралиб туради. Шу билан бирга, устоз санъаткорлар ижро мактабларидан тўғри ва унумли сабоқ олгани кўзга ташланиб туради.

Эътироф

Адабий меросни яхши билиш ҳофизлик амалидаги муҳим жиҳатлардан биридир. Зеро, мусиқа санъатида куй-оҳангнинг сўз билан уйғунлиги жуда катта аҳамият касб этади. Эркинжон Рўзиматов аксарият Лутфий, Навоий, Фузулий, Машраб, Огахий, Бобур, Муқимий, Чустий каби шоирларнинг ғазал ва мухаммаслари мувожаат этади. “Нихон ўлди”, “Ўландан сўр”, “Сеғоҳ талқинчаси” каби ашулаларида оҳанг ва сўз уйғунлиқда намоён бўлади. Эркин Воҳидов, Маҳмуд Тоир, Шокирхон Ҳақимов каби қалам соҳиблари билан ҳамкорликда яратилган “Сиз мени ошк деманг”, “Жонон қараб ўтсин”, “Илтижо”, “Ўзимга савол”, “Мени тошлар тинглашади”, “Жилоси тўқилмас”, “Она” каби қўшиқлар нафақат мусиқа ва ижро, балки матни мазмунига кўра шинавандалар қалбига йўл топди.

Ўзбек хонандалик санъатида ижро жараёнига ижодий муносабат ўзига хос аъёнага айланган. Бунинг боиси шундаки, ҳар қандай ижро жараёни вазири, ҳаётнинг тингловчи-мухлиси ва ижрочи маҳорати билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шу боис, ҳофизнинг малакавий билими, бадихагўйлик имкониятлари, мерос аъёнларини идрок этиши, охири-оқибат, ижро талқинига ижодий ёндашишига асос бўлади. Буни Э.Рўзиматов ижросидаги асарларнинг ҳар гал турли сайқал ва жилослар билан бойиб боришида кўрамай. “Илтижо” ашуласи бунга ёрқин мисол бўлади. Асарнинг шакли, усули, тузилиш жиҳатларида янги замонавий муносабат ўзини намоён этган. Айниқса, хонанданинг “Сеғоҳ” мусиқий намунасини Шашмақом таркибий қисмига хос иккинчи гуруҳ шўбалар шакли асосида туркумлаштиргани ижодий ёндашувнинг эътирофга сазовор намунаси.

Мумтоз мусиқанинг Орифхон Хотамов замонавий бастакорлик амалиётига киритган “Гиря”, Фаттоҳхон Мамадалиевнинг “Савти Фаттоҳхон”, Рифатилла Қосимовнинг “Ҳожиниёз” туркумлари истеъмолда экани мусиқа аҳлига маълум. Шу аъёна асосида Эркинжон Рўзиматов “Сеғоҳ” туркумига кўл урди. Лутфий сўзига “Сеғоҳ талқинчаси” ва “Сеғоҳ Соқийномаси”, Амирий сўзига “Сеғоҳ Қашқарчаси”, Машраб ғазалига Шокирхон Ҳақимов мухаммаси асосидаги “Сеғоҳ Уфори”сини яратди ва шоғирдлари билан мухлисларга тақдим этди.

Мумтоз мусиқа намуналари, одатда, тингловчилар, мухлис ва мутахассислар имтиҳонидан ўтгандан сўнг мерос сифатида амалиётда ўрнини топади. Замонавий мусиқанинг айрим йўналишларида халқ ижодиёти намуналари турли кўринишда, беҳисоб қайтариқлар, халқимизга ёт безаклар билан тингловчиларга тақдим этилаётган бир пайтда мумтоз мусиқа намуналарининг яратилиши ибрат бўларли ҳодисадир.

Ҳофизлик санъати гулшани ранг-баранг мумтоз амалларга бой. Халқ ҳофизлари эса бу санъатни мукамал эгаллаб, уларни ўз ижодий фаолияти билан халқимизга манзур этиб келган. Эркинжон Рўзиматов ҳам ҳофизлик соҳасида устозлар аъёнларини давом эттиришга бел боғлаган, ўз ижроси билан уларга муносиб бўлиш йўлида самарали ижод қилиб келмоқда. Зеро, ижоди ва ижроси камол топаётган бир даврда санъаткорга халқимиз ишончига сазовор бўлиш бахти насиб этди. Бу, албатта, уни янги марралар сари чорлаши, устозлар аъёнларини давом эттириш учун катта куч-гайрат ато этиши, шубҳасиз.

Сойбжон БЕГМАТОВ, мусикашунос

Жамоавий ижод — театр санъатининг бадий қиёфасини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири. Саҳна асарини турфа рангларга бой картинага қиёслайдиган бўлсак, уни яратиш учун кўплаб ижодкорларнинг “мўйқалами”, яъни меҳнати ҳамда истеъдоди зарур. Зеро, спектаклни яратиш жараёнида жамоадаги ҳар бир ижодкорнинг ўз ўрни бор.

Театрда актёрлар труппасининг бошлиғи деган лавозим борлиги ҳақида, албатта, кўпчилигимиз эшитганмиз. Бироқ у аслида қандай вазифа бажариши, ижодий жамоадаги мақоми борасида аксарият мухлислар аниқ тасаввурга эга эмас. Айтиш жоизки, актёрлар жамоасининг бошлиғи театрдаги энг қадимий касблардан бири ҳисобланади. Унинг аҳамияти режиссёр, актёр ва адабий эмакдошникдан кам эмас.

Мулла Тўйчи Тошмухаммедов номидаги Қашқадарь мусиқали драма театрида қарийб ўттиз йилдан буён ижод қилиб келаётган Қурбон Бердиев ана шундай масъулиятли касбнинг фидойи вакилларида биридир. Албатта, актёрлар жамоасига сардорлик қилиш учун ижодкор биринчи галда профессионал актёр бўлиши лозим. Ҳақиқий актёр саҳнада тобланади, деганларидек Қ.Бердиев ҳам, аввало, ўзини истеъдодли актёр сифатида кўрсатишга эришди. Айрим касбдошларидан фарқли равишда ҳеч қачон рол танлашга қизиқгани йўқ. Устозлари сабогини доимо ёдда тутиб, режиссёр топширигини имкон қадар мукамал бажаришга, томошабинлар ёдида қолдирган роллар яратишга ҳаракат қилди. Ана шу интилишлари натижаси ўлароқ, Абдурауф Фитратнинг “Абулфайзон” драматсида Мир Вафо, Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш”ида театр ва-

кили, Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драматсида элчи Шилъберггер, Эркин Воҳидовнинг “Рўҳлар исён”и достони асосида саҳналаштирилган спектаклда Рудакий каби ранг-баранг образларни яратишга муваффақ бўлди. Табиийки, актёрнинг бу рол-

САҲНА ФИДОЙИСИ



лари соҳа мутахассисларининг ҳам назарига тушди. Қ.Бердиев мустақиллик йилларида Қашқадарь театрида етишиб чиққан янги авлод актёрлари қаторида эътироф этилди. Бундан ташқари, виллоят театрининг халқаро анжуманларда иштирок этиб, маълум ютуқларни қўлга киритишида Қурбон Бердиевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У иштирок этган халқаро “Шарқ ва Фарб” ҳамда “Наврўз” театрлар

фестиваллари фикримизга далил бўла олади.

Йиллар ўтиши билан ҳар бир ижодкорда тўплаган тажрибаларини ёшларга етказиш, ўзи камол топган даргоҳга ҳар жиҳатдан фидола келтириш истаги туғилади. Қ.Бердиев ҳам ўтган йиллар давомида театр ташкилотчиси сифатида маҳоратини кўрсатди.

— Театрга ишга кирганимдан уч йил ўтгач, менга актёрлар жамоасига етакчилик қилишдек масъулиятли вазифа топширилди, — дейди Қурбон Бердиев ёшлик йилларини

ганда ёш актёрларга устоз бўлиши, рол устиди ишлаш, характер яратиш борасида йўл-йўриқлар кўрсатиши керак бўлади.

Вилоят театрларида

Бугун театрда ўзининг мустақам ўрнини топган Қ.Бердиев Ўзбекистон халқ артистлари Мухтарам Носирова, Хусан Амиркулов, Омон Беганжиев, хизмат кўрсатган артистлар Жамил Ашуров, Муҳиддин Махидов, Аликул Жўраев каби устозларидан ўрганганларини амалда татбиқ этишга ва муносиб шоғирдлар тайёрлашга ҳаракат қилмоқда.

Ўз касби фидойиси бўлган ҳар бир ижодкор, албатта, халқ эътирофини қозонишига шубҳа йўқ. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра бир қатор ижодкорлар сафида Қашқадарь мусиқали драма театри актёрлар труппаси сардори Қурбон Бердиев “Шухрат” медали билан тақдирланди. Бу мукофот актёрга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этиш билан бирга, янги масъулиятли вазифалар ҳам юкляди. Шу кунларда театр жамоаси саҳнада замон қаҳрамони қиёфаси акс этган спектакллари яратиш устиди иш олиб борапти.

Қурбон Бердиев ҳам ана шундай саҳна асарларида бугунги кун қаҳрамонларининг ҳаққоний образини яратиш йўлида изланаётир.

Илҳом СЎЗОКОВ

Ҳар бир минтақанинг ўзига хос кулоччилик мактаби бўлганидек, эрамининг XIX асрларида вужудга келган Риштон кулоччилик мактабининг Хоразм, Шаҳрисабз, Тошкент, Чуст ёки Гиждувон кулоччилик мактабларидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан, бу ерда тайёрланган лаганлар, обдасталар, турли сопол идишлар анор мевалари ва бодом гуллари шаклидаги қадимий нақшлар билан безалган. Нақшлар, асосан, игна, бигиз билан ўйиб ишланган. Уларга шу мактабгагина хос бўлган аъёнаний ферузаранг билан ишлов берилган. Бу ҳудуддаги куллар XIV асрданоқ Тиеншан тоғ этакларида ўсадиган тулоб ўсимлигидан тайёрланган сирдан фойдаланишган.

Кейинги юз йил ичида Риштон кулоччилиги янада ривож топиб, бир қатор халқ усталарини кашф этди. Уста Иброҳимжон ота, Шарофиддин Юсуфов, Набиқон Қодиров, Усмонжон Тошпўлатов ва яна бир қанча уста-хунармандлар Риштонда кулоччиликни янги поғонага олиб чиқдилар. Хунармандлар уюшмаси туман бўлими раҳбари Алишер Назиров ясаган маҳсулотлар японияликларни ҳам ўзига жалб этиб, ҳозир уста кунчалар мамлакат билан ўзаро алоқа ўрнатиб, бу борада самарали иш олиб бормоқда. Чизган суратлари ва ясаган ўйинчоқлари билан кўпчиликда ҳайрат уйғота олган Муҳайё Тожибоева эса Зул-

шоҳ байтларни ўқир экансан, мусавирнинг маънавияти ҳам бой эканини англайсан.

Игна билан ўйиб ишланган расмларнинг умри узок бўлади. Албатта, бу жараён осон кечмайди.

“Битта асар яратиш учун анча вақт сарфлашга тўғри келади, — дейди Тохиржон Ҳайдаров. — Биргина Бобурнинг суратини ишлашга бир йилча вақт сарфлаганман.

Ростини айтсам, нақшини танлашга ҳам кўп вақт кетган. Чунки Амир Темур суратига ишланган нақш Бобур суратига уйғун бўлмайди. Ҳар бир суратнинг ўзи табиати, характери бор”. Тохиржон юзлаб таниқли кишиларнинг шарҳлари ишлаган. Бизни сурат эгалларининг бундай

ИГНА УЧИДАГИ ҲАЙРАТ

шарҳларга муносабати қизиқтирди. Ахир, ҳазилини ҳамма ҳам бирдай тушунавермайди-ку! “Бир гал қизик бўлганми, — деб эслайди расмом. — “Муштум” журналининг 70 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган кўргазмага бир қатор машҳур кишилар гурунглашиб кириб қолишди. Улар орасида Одил Ёқубов, Саид Аҳмад ва яна вазириқдан келган вакиллар ҳам бор эди. Бир пайт мени қақришгаётганини айтишди. Қўрқиброқ қийин бордим. “Мен хунқилгимни билардим-у, лекин бу расмом мени янаям хунқ қилиб, худди гордан чиққан шерга ўхшатиб қўйибсан-ку!” — деди Саид Аҳмад ака. Уларнинг салобатидан ҳаяжонланган бўлсам ҳам ўзимни қўлга олиб: “Ахир, устоз, сиз адабиётимизнинг шерисиз-да!”, дедим ҳозиржавоблик қилганимдан ичимда хурсанд бўлиб. Кейин қаттиқ кулги кўтарилди. Устознинг ҳам чеҳраси ёришиб кетди”.

Ҳа, шарж ишлаш осон иш эмас. Бунда, аввало, қаҳрамоннинг ички оламини билишга тўғри келади. Расмнинг одамнинг қиёфасида унинг характери акс этиб туриши керак. Шаржнинг мураккаб ва нозик томони ҳам шунда. Кулол-мусаввир ишлаган шаржлар орасида Озод Шарафидинов, Неъмат Аминов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Эргаш Каримов, Турсунали Поллов ва яна бир қатор актёрларнинг ҳам қиёфалари акс этган. Девордаги шаржлар орасида раҳматли сўз устаси Ҳожибой Тожибоевнинг ҳам сурати бор. Қизиқчининг самимиий қулгиси муҳрланиб қолган бу товоқ расмом учун ҳам қанчалик қадри эканини ҳис қилдим. Чунки игнада ишланган ишлар аксарият ягона нуҳсада бўлади. “Ҳаммасидан ҳам халқнинг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф ўз шаржини сўраганида беролмагани учун хали-хануз армон қиламан, — дея афсусланади уста. — Кейинчилик Саид Аҳмад, Эргаш Каримовларнинг шаржларини иккинчи марта ишлаб бердим. Ушунда Муҳаммад Юсуфга ҳам ишлаб берганимда бўлар экан...”

Кейинги пайтларда Тохиржон Ҳайдаров машҳур тарихий шахсларнинг шаржларини ҳам бита бошлади. Унинг 2010 йили Тошкентда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувидеги кўргазмаси, айниқса, муваффақиятли бўлди. Хунарманд мусав-

вир яратган асарлар хорижлик санъат ихлосмандларининг, сайёҳларнинг ҳам диққатини тарта бошлади. Ҳозир Япония, Германия каби ривожланган мамлакатлар мусавирни ўз юртиларидан кўргазма ташкил этиш учун таклиф қилмоқдалар. Яқинда Малайзия телеканали орқали Тохиржон Ҳайдаров тўғрисида ярим соатлик кўрсатув намойиш этилиб, унинг асарларига мўъжиза деб баҳо берилди. “Оддий бир кулолнинг ишини ҳатто мен тилини ҳам англамайдиган чет элликлар қизиқиб билан кузатиб, дунё экранларига олиб чиқишади, оддий лойдан ясаган товоқларга игна билан ишлаган суратларимга ҳайрат кўзи билан қарашади, деган ўй етти ухлаб тушимга қирмаган эди. Буларнинг бари истиқлолнинг шарофатидан”, — дейди уста мусаввир.

Ҳа, уста кулолнинг хунари беназир. Лекин бу хунарни эгаллаб қолиш шоғирдлардан кўн ва чидан талаб қилади. Ҳозир устанинг 30 га яқин шоғирди бор. Ўғиллари ҳам ёнига кириб қолишган. Айниқса, кичик ўғли Темурбек сопол товоқларни қолғанда эмас, қўлда ясаб сирларини ўрганипти. Тўғри, техника ривожланган бугунги кунда бу жуда самарали усул эмас. Лекин буюмни замонавий дастоҳлар орқали қолигга солиб яшани ҳар қандай хунарманд ҳам удаллаши мумкин. Шуниси ҳам борки, улар фақат қолип бўлсагина ишлай оладилар. Тохиржоннинг максаси — ота-боболаримизнинг сопол буюмларни қўлда ясаб аъёнларини авлодлар учун сақлаб қолиш, оддий лойдан бино бўлаётган санъат асарларининг мўъжизали яратилиш жараёнини бевоисита қўзатиш имкони йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик.



Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари қадрланиб, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. “Мукофот олганим тўғрисидаги хабарни газетамда ўқиганда қандай ҳаяжонга тушганимни тасвирлаб беролмайман, — дейди уста фахр билан. — Бу лаҳзалар ҳаётимдаги энг ёрқин онлар бўлиб хотирамда муҳрланиб қолди. Юксак мукофот мени шунчалик руҳлантириб юбордики, Президентимиз, халқимиз олдида қарздорлик ҳиссини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Дилимда янги режалар пайдо бўлди, имкониятлар эшиги очилди. Ҳозир ўша янги режаларни амалга ошириш иштиёқи билан меҳнат қиламан. Қишлоғимиз марказдан анча йироқ бўлгани боис уй-музейни томоша қилмоқчи бўлган мухлислар ва сайёҳларга бироз қийинчилик туғилаётганини ҳисобга олиб, туман ҳокимлиги томонидан ижодхона ва янги музей қуриш учун марказга яқин йўл бўйидан ер майдони ажратиб берилганди. Ўша ижодхона қурилишини жадаллаштириб, мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйига тўёна қилдим.”

Қўқон — Фарғона катта магистрал йўли ёқасида қад ростилаган бу музей ва ижодхонага жойлаштирилаётган 300га яқин экспонатлар ҳали кўпчиликда ҳайрат уйғотди, деган умиддамиз.

Ойдин ТЕМИРОВА

“КЎЗ ЮМИБ КЎРГАНЛАРИМ”

“Кўзи юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, дейди Мавлоно Жалолиддин Румий. Дарҳақиқат, кўнгил кўзида намоён бўлган нарсалар чинлиги билан кўзга кўринган нарсалардан кўра ҳақиқатга яқинроқдир. Нечоғли муболага бўлмасин, шоир сўзи унинг кўнгил рози сифатида рост ва гўзалдир.



Кўз юмиб кўрганларим

Боботоғ ортида ҳеч ким кўрмаган Момотони кўрдим, меҳрибон тоғин... Нафаси — хуш сабо, сўзи — иссиқ қор, баҳайбат тошлари гулдан ва нурдан. Кифтига тўдана тақди Момотоғ. У шундай ҳайбатла шундай меҳрибон ва шундай энгилки, бешикдан энгил.

Ушбу мисралар таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг “Кўз юмиб кўрганларим” туркумидан. Шоирнинг шу номдаги янги шеърлар тўплами “Akademnash” нашриётида чоп этилди. Тўпламга кейинги ўн йил мобайнида ёзилган шеърлар саралаб жамланган.

Эшқобил Шукурнинг шеърларига хос кутилмаган ташбеҳлар, ўхшатишлар, фақат ҳаёлот оламида ёхуд қалб саҳнида намоён бўлиши мумкин бўлган ҳолат,

сурат ва манзаралар, халқ ижоди дурдоналарига хос гоҳ маҳзун, гоҳида шитобли ва айни пайтда сирли-сеҳрли оҳанг ушбу тўпламга жамланган деярли барча шеърларга хос.

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов китобга ёзган сўз бошида таъкидлаганидек, “Хар қандай

Доимий ҳамроҳ

Дарҳақиқат, тўпламдаги “Қалдирғочнинг кўз ёшлари”, “Ой товушлари”, “Кўз юмиб кўрганларим” номли туркумлар, “Лафз каби улугман...”, “Эртақлар даласи”, “Кеч кўздаги хурмозор”, “Тийрамоҳнинг гамгин тундида” каби чуқур лиризм билан сугорилган шеърлар чинакам шеърлият шайдоларига соҳир лаҳзаларни армуғон этиши тайин.

Тўпламга Абдулла Шарипов муҳаррирлик қилган.

“ФАСЛЛАР ОҲАНГИ”

Юрт жамоли унинг фаслларида намоён бўлади. Хар бир фаслнинг ўзига хос нафосати қалбларга завқ ва сурур бағишлайди. Бу турфа ранг



Фасллар оҳанги

олам гўзаллигидан кўнгилларга инган туйғулардан ажиб ҳолат ва манзаралар жонланади. Уларни сараланган сўз дурларига мисраларга териб-битаркан, руҳиятида кечган ўзгаришлар, тозарош ва янгиланиш жараёнларини шоир табиатдан ташбеҳлар олиб суратлантиради. Шеърда Оқчўғол

тоғи шунчаки сангзор эмас, охур шаклигидаги улкан Тошоҳур тоши харсангдан ўзгача: улар мавжудликнинг умумий гармониясини таъмин этиб, инсон руҳиятига виқор ва гурур бағишлайди.

Тошоҳур ўйнақороқ шамолни қилар тароқ. Юксакликда навиқрон Оқчўғол солиб сурун кўк ойнага қарайди, жингил сочи тарайди, гўё ўрлайди фиғон — ҳовурга тўлар гирён булақларнинг гиргалари — тошиб

чичар дардлари, паҳлавон келбати зор, йигит боши беқарор. Ўзин қилолмай улда, бир ажиб тарадулда...

Бу ажиб тарадуднинг боиси бор: “Ҳадемай кутилган ёр — келиб қолади баҳор”.

Истеъдодли шоир Иқром Искандарнинг “Фасллар оҳанги” номли (“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти) янги шеърлар тўпламида табиатдаги жонланишнинг инсон руҳиятига кўчган манзаралари ана шундай тугал ва жозибали ифодаланган шеърлар талайгина.

Тўпламга жамланган шеърлар тўрт фаслга туркумланган: “Қалбимизда давом этар йил бўйи баҳор” туркумидаги шеърларда кўклардан баҳра олган кўнгил таровати тавсифланса, “Жизиллаган азобда потирлайди юрагим” туркумида саравазон шеърларнинг ифодалиги таъкидланади.

Тўпламга жамланган шеърлар тўрт фаслга туркумланган: “Қалбимизда давом этар йил бўйи баҳор” туркумидаги шеърларда кўклардан баҳра олган кўнгил таровати тавсифланса, “Жизиллаган азобда потирлайди юрагим” туркумида саравазон шеърларнинг ифодалиги таъкидланади.

“Фасллар оҳанги” тўпламига В.Файзуллох муҳаррирлик қилган.



МУЗ ДАВРИ ҚАЙТА БОШЛАНДИМИ?

Ерликлар глобал даражада иссиқ жараёнларига ҳозирлик кўриб улгурмай янги муз даврига кўникишига тўғри келади, шекилли. Негаки, Арктикадаги музликлар майдони бир йилнинг ўзига 60 фоизга кенгайган. Яъни фазодан олинган суратлар ва кузатувлар музликлар 2,5 миллион квадрат километрга кенгайганини кўрсатмоқда. Бу ҳолат олимларнинг беш-олти йил аввал: шу йил ёзда Арктика музликлари эриб битади, деган тахминини пучга чиқарди. Музликлар эриб битиш ўрнига янада қалинлашиб, Канада соҳилларидан Россия қирғоқларига қадар чўзилган ва Европа худуди ярмича келадиган майдонни эгаллаган.

уҳун ёпиқлигича қолди. Тинч ва Атлантика уммонларини энг қисқа йўл билан туташтирувчи ушбу йўналиш бўйлаб сафарга чиққан 20 дан зиёд яхта музликлар орасида қолиб қетди, бортига саёҳатчиларни олган кемалар ортга қайтишга мажбур бўлди.

Афтидан, сайёрамизнинг глобал даражада иссиқ узоқ вақт “танаффус олган”га ўхшади, дейишмоқда мутахассислар. Бугунги ҳисоб-китобларга кўра, бу “танаффус” асримиз ўрталарига қадар чўзилиши мумкин. Шу муносабат билан жорий йилда бешинчи марта нашр этишга тайёрланаётган сайёра иқлимига доир уч жиллик китобни чоп этмасликка қарор қилинди. Иқлим ўзгаришлари ҳақидаги бу китоб давлатларо комиссия томонидан ҳар 6-7 йилда тайёрланади. Мазкур уч жиллик нашрини маблаг билан таъминлашни зиммасига олган давлатлар китобнинг тайёр матнига бир ярим мингдан зиёд ўзгариш ва тузатиш киратишни талаб қилмоқда.

Афсуски, олим ва иқтисодчиларнинг Шимолий денгиз йўли очилади, бу эса иқтисодий ривожда катта истикболларга амал бўлади, деган умиди хом-хаёлга айланади. Чунки, Шимолий денгиз йўли, башорат қилинганидек, шу йил ёзда музлардан халос бўлмади ва уч ой мобайнида ҳам кемалар қатнови

Афсуски, олим ва иқтисодчиларнинг Шимолий денгиз йўли очилади, бу эса иқтисодий ривожда катта истикболларга амал бўлади, деган умиди хом-хаёлга айланади. Чунки, Шимолий денгиз йўли, башорат қилинганидек, шу йил ёзда музлардан халос бўлмади ва уч ой мобайнида ҳам кемалар қатнови

САҲРОИ КАБИР ҒАРОЙИБОТЛАРИ

Буюк Британиядаги Лестер университети олимлари коинотдан Ер сунъий йўлдошлари орқали олинган суратларни таҳлил этиш жараёнида Саҳрои Кабирнинг Ливия худудидаги қисмида гарамантлар тамаддунига доир 158 та аҳоли яшаган манзил ва 184 та қабристон бўлганини аниқладилар. Олимлар М.Старри ва Д.Маттингли эрамингача бўлган XI асрдан милодий VII асргача ҳўкм сурган гарамантлар тамаддунига оид бир қанча йирик шаҳарлар ва аҳоли яшаган манзилларни топишга муяссар бўлишди.

искаптопар чивинлар тўлиб-тошиб ётибди дейишди, сўнгра эса, кўл бўйида қолиш жуда ҳавфли, тунда сувдан баҳайбат маҳлуқ чиқиб келади, деб қўрқитишди. Кузатувчилар тунни ўтказгани юқорига қиқиб кетишди, биз эса кўл бўйида қолдик. Ҳақиқатдан ҳам мутлақо осойишта саҳро тундида вулқон оғзидан одамни қўрқитувчи овозлар, инграш, гувилаш, шовқин эшитила бошлади. Кутилмаганда ой ёруғида кўл устида жуда катта ҳалқалар ҳосил бўла бошлади...”

Бунга қадар эса археологлар томонидан мазкур тамаддуний майдони 9,3 гектарли Кўна Жерма шаҳрига ўрганилган. Қадимшунослар томонидан олиб борилган қазил ишлари гарамантларнинг маданият ва технология соҳаларидаги ютуқлари қадим Римниқидан қилишмаслигини кўрсатганди. Гарамантлар металл эритиш, тошдан улкан бинолар барпо этиш илмини пухта билишган. Бугунга келиб эса, Ер юзидида энг катта саҳро тадқиқотчиларнинг қўли етмайдиган худудга айланган бормоқда. Унинг сарҳадларидаги Мали, Миср ва Ливияда можаролар аланга олиб турибди.

Саҳрои Кабир тадқиқотчиларини мазкур “очик осмон устидаги музей”нинг ҳозиргача кам ўрганилган қорлар ва қояларидидаги тошбитиклар ўзига қорлайди. 14 минг йил бурун қоятошларга ўйилган улкан петроглифлар — ёввойи ҳайвонлар, камон отаётган овиқлар тасвири узунлиги икки метргача. Ливия жанубидаги Вади Матхандушда қуриган дарё ўзани бўйлаб қоятошларга битилган расмлар 60 километрга чўзилган, ўзига хос ансамбл ҳосил қилган. Дунёнинг бирон жойида бу каби мўъжиза топилмади. Расмлар маълумотли одамлар томонидан чизилгандай туюлади. Сюжетлари эса ҳар хил: айрим қиёфаларда космонавтларнинг скафандрига ўхшаб кетадиган никоблар ҳам тасвирланган. Филлар, ҳатто пингвинлар тасвири ҳам борки, бу уларни жуда ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Саҳродаги энг сирли жойлардан бири бу — Ваун-ан-номус деб аталадиган уйқудаги вулқон. Вулқон тоғда эмас, балки диаметри ўн икки километр, чуқурлиги 200 метрни ташкил этадиган “ўра”га ўхшаш жой. “ўра”нинг қуйисиди учта қўл: кўш, яшил ва қизил қўллар мавҳуд. Саҳрои Кабир устидан самолётда учиб ўтадиганлар ана шу аjoyиб манзарани кўришга муяссар бўладилар. Н.Сологубовский иштирок этган сўнгги экспедиция йўли Ваун-ан-номусдан ўтган. “Биз тунни шу қўллардан бирининг соҳилида ўтказмоқчи бўлдик, — деб ёзади у. — Бироқ кузатувчилар бу фикрга қаршиллик қилишди. Дастлаб у жойда

Саҳрои Кабир тадқиқотчиларини мазкур “очик осмон устидаги музей”нинг ҳозиргача кам ўрганилган қорлар ва қояларидидаги тошбитиклар ўзига қорлайди. 14 минг йил бурун қоятошларга ўйилган улкан петроглифлар — ёввойи ҳайвонлар, камон отаётган овиқлар тасвири узунлиги икки метргача. Ливия жанубидаги Вади Матхандушда қуриган дарё ўзани бўйлаб қоятошларга битилган расмлар 60 километрга чўзилган, ўзига хос ансамбл ҳосил қилган. Дунёнинг бирон жойида бу каби мўъжиза топилмади. Расмлар маълумотли одамлар томонидан чизилгандай туюлади. Сюжетлари эса ҳар хил: айрим қиёфаларда космонавтларнинг скафандрига ўхшаб кетадиган никоблар ҳам тасвирланган. Филлар, ҳатто пингвинлар тасвири ҳам борки, бу уларни жуда ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

— Тадқиқотчилар ҳануз афсонавий Атлантида худудини уммонлардан ахтариб юришибди, — деб ёзади Н. Сологубовский. — Иқлимнинг ўзгариши туфайли Атлантида денгиз сувларига эмас, кўмлар денгизига “чўккан бўлиши” ҳам мумкин-ку? Балки биз қоятошлардаги расмларни яхшилаб ўрганиб, атлантидаликларнинг ҳалокатга юз тутгани тасвирланган лаҳзалар акс этган бирон-бир сурат топармиз. Чад ва Нигерия шимолдаги бориш мушкул бўлган тоғлардаги одамлар яшаган қадимий манзиллар ҳам ҳали мутлақо ўрганилмаган. Ишончим комилки, буюк Саҳрои Кабир ўтмишининг жуда кўп сирларини биздан пинҳон тутган ҳолда ўзининг илк кашшофларини кутаётир.


Интернет хабарларидан.



Ҳурматли редакция! Бир бемаъни ҳазил туфайли бошимга тушган ташвишлар ҳақида сизга ёзмоқдаман. Ўтган ойнинг бошларида бир йигит мендан: — Ахаюн, сиз Ғирвон қишлоғида яшаркансиз, “Ғирвон” сўзининг маъноси нима? — деб сўраб қолди. Ке, шу йигитга битта ҳазил қилиб қўйиб, дедим: — “Ғирвон” ғир деган ўзбекча, “вон!” деган ўрисча сўзлардан таркиб топган бўлиб, “Бу қишлоқдан тўхтамай ғир этиб ўтиб кет, даф бўл!” дегани, — дедим.

Йигит чиқиб кетди, унга тўғриси айтмадим, ўзи излансин. Қайси мевада-ки “ол” бўғини бўлса, билинги “қизил, қизғиш”, дегани. “Помидор” ҳам ажнабий тилда “қизил” дегани. Орадан икки ҳафта ўтиб, тонг саҳарда, кўлида болишдек сумка кўтарган, чўкки соқол чол

“МАТН” ШУНОС



Бу йигит муҳбир экан, матбуотда чиқариб юборди. Мухбирлигини билганимда тўғриси айтмадим. “Ғирвон” ғарибон” атамасидан олинган, ғариб, мискин, камтар, самимий одамлар маъносини билдиради, дердим. Ҳаммаси муҳбирнинг хабаридан кейин бошланди. Орадан уч кун ўтмай уйимизга галстук таққан, папка кўтарган йигит кириб келиб: — “Сиз матншунос экансиз, мен шу соҳа бўйича илмий иш олиб бораётман, аспирантман”, — деди.

— Хўш, нима хизмат? — дедим. — Шу кунларда мева-сабзавотлар номини тадқиқ қилиётман. Масалан “олхўри”, “олча”, “олма” дегандек. Шуларнинг маъноси нима? — Шумлимиз кўзгаб, ке, шу доно аспирантга ҳам бир ҳазил қилиб қўйиб дедим: — “Олхўри” ўзбекча “ол” ва тожикча “хўри” яъни “егин” сўзларидан тузилган бўлиб, “ол, ейвер, теккин”, дегани. “Олма” эса, ўз номи билан — “олма, мен рухсат бермагунча ема!”, дегани. — Яҳши, — деди аспирант шовиб кўлидаги дафтарчага ёзаркан. — Энди, мана, сабзавотлар, масалан “помидор”?.. — “Помидор” ўрисча “помни”, ўзбекча “дори” сўзларидан олинган. “Едингда тут, бу — дори”, маъносини билдиради. — Раҳмат, домла, мен яна келаман.

кириб келди. Салом-алиқдан сўнг, пешонасини артиб сўрининг четиға гул этиб чўкди: — Итимологман, олимман, жой номларининг келиб чиқиш тарихи, атамаларнинг маъноси билан қизиқман. Бир оғайним, «Ғирвонда зўр матншунос бор», деганди. Тажриба алмашиб, баъзи фаразларимни ўртоқлашай дегандим. — Э-э, гап буюкда экан-да, — дедим бошимни чангаллаб. Кейин дарров дастурхон ёзиб, бечора нафасини ростлаб олсин, деб чой қўйдим. Ўзига бироз келиб,

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Қабулхона — 233-52-91. Котибият — 233-49-93.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташриятга келган кўйималар таҳми тўлмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мусулманлар фикри таҳририят нурони назаридан фарқлангани мумкин. Масыул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУСУНОВ. Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2183-614X